

# ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁННИ ОПЕРАЦИЯЛАРГА БЎЛИБ ЎРГАНИШДА ЎТАЗИЛГАН ТАЖРИБАЛАРНИ НАТИЖАСИ ВА УЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИ

Султанов Отабек Саҳобиддин ўғли

Табиий толаларни дастлабки ишлов бериш технологияси кафедраси асистенти,  
Наманган мұхандислик- технология институти, Наманган, Ўзбекистон

## Аннотация

мазкур мақола технологик жараённи операцияларга бўлиб ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибаларни натижаси ва уларнинг самарадорлик даражаси мазмуни ёритилишига ҳамда асословчи ва таъкидловчи тажриба синов иши жараёнида “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” таълим йўналиши талабаларининг табиий толаларни дастлабки ишлаш технологиясига оид билим, кўникма ва малакаларини шаклланганлик даражасини аниқлашга қаратилган.

**Калитли сўзлар:** технологик жараён операциялари, пахта –тўқимачилик коастерлари, инновацион ривожланириш, тажриба-синов ишлари, респондент-талабалар, пахтани тозалаш жараёни,, операциялар, пахтани қуритиш жараёни, пахтани толасини чигитдан ажратиш жинлаш жараёни, табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси, анкета сўров.

Тажриба синов ишларини ташкил қилишда қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг билим даражасини уларнинг келажакдаги фаолиятни эътиборга олган ҳолда аниқлаш вазифаси қўйилган эди.

Тажриба синов ишини мақсади пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш мазмунини амалиётга жорий этиш йўлларини аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Ушбу ўринда асословчи ва таъкидловчи тажриба синов иши жараёнида “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” таълим йўналиши талабаларининг табиий толаларни дастлабки ишлаш технологиясига оид билим, кўникма ва малакаларини шаклланганлик даражасини аниқлашга қаратилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларида таълим жараёнининг фарқи шундан иборатки, назорат гуруҳида талабалар билан машғулотлар анъанавий методлар ёрдамида олиб борилди, тажриба гуруҳида эса тадқиқотчи томонидан таклиф қилинган компьютер учун тайёрланган мулоқотли дастурлар воситасида таълим берилди. Унинг мазмуни бугунги кунда тобора оммалашиб бораётган ва таълим жараёнида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган электрон ўқув қўлланманинг таълим жараёни амалиётга жорий этиш йўлларини аниқлаш ҳамда таълим амалиётида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мухим педагогик зарурият эканлигини талабалар онгига сингдиришдан иборат.

Тадқиқот даврида илғор педагогик технологияларнинг имкониятларига таянган ҳолда талабаларда табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси фанига оид амалий кўникма ва малакаларни бойитиш, шунингдек, уларда касбий тайёргарлик даражаларини шакллантиришга имкон берувчи топшириқлар тизими ишлаб чиқилди [4,5].

Таълим-тарбия, шунингдек, бўлажак мутахассисларни касбий тайёргарлигини шакллантиришда замонавий ўқув воситалари ёрдамида рақобатбардош қилиб таёrlашдек томонларини эътиборга олган ҳолда, унинг мазмуни ва моҳиятига ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этиш учун муаммо ечимини топишга пахтатўқимачилик кластери воситасида “кластерли ёндашув” тадқиқот усули қўлланилди [3]. Тажриба-синов ишларини олиб бориш, уларнинг самарадорлигини баҳолашни эътиборга олган ҳолда, тажриба-синов ишларида қатнашаётган респондент-талабалар назорат ва тажриба гурухларига бўлинди.

Пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича талабаларда касбий тайёргарлик даражаларини шаклланишида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш ижобий натижаларга эришишни кафолатлаш билан бирга талабаларда қуидаги малакаларни шакллантириди:

- мазкур технология анъанавий ўқитиши технологиясидан кескин фарқ қилиб, унинг ёрдамида ўрганилаётган мавзу бўйича кўпроқ, чукур, батафсил маълумотга эга бўлиши мумкин; зеро, мазкур технология тез, аниқ, қизиқарли ва якуний натижага (босқичга) оптимал эришини кафолатлади;
- ишлаб чиқилган компьютер анимацион дастури универсал дидактик восита бўлиб, ундан фойдаланган ҳолда ўқитишини бошқариш алгоритмини амалга ошириш мумкинлигини таъминлади [1].

2021-2022 йилларни қамраб олган таъкидловчи тажриба-синов ишлари мобайнида талаба-ёшлиарни “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фанига оид кўникма ва малакаларини шакллантириш даражаси сезиларли даражада ўсганлигини кўриш мумкин. Мазкур ҳолатни Республикаизда таълим сифатини оширишга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг самараси сифатида қараш мумкин. Бироқ аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик технологиянинг мавжуд бўлмаганлиги бу даврларда ҳам қониқарли кўрсаткичларга эришиш имкониятини бермас эди.

**Шакллантирувчи тажриба-синов ишларини** амалга ошириш жараённида (2021-2022 йиллар) талабаларда техника фанларини ўқитиши бўйича касбий тайёргарликни пахта - тўқимачилик кластерлари асосида инновацион ривожлантириш бир мунча юқори натижалар қўлга киритилгандигини қайд қилиш мумкин. Бу ҳолат ДТСларининг жорий этилиши самараси сифатида қаралиши мумкин. Бироқ уларнинг эҳтиёжини тўла қондирадиган билим манбалари: ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва электрон ахборот манбалари ҳам етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, биз амалга оширган

тадқиқотларимиз бу йұналишда юзага келған табиий илмий-амалий әхтиёжларга асосланади.

Тадқиқот даврида таълим жараённан пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича тавсия этилган методиканинг амалиётга мослигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Олий таълим муассасаси хужжатлари (жумладан, гурух журнallари, назорат ишлари ҳамда якуний аттестация натижаларини ёритувчи далолатномалар)ни ўрганиш, талабаларнинг фаолиятларини бевосита кузатиш ҳамда улар билан фаол мулоқотда бўлиш асосида тадқиқотчи томонидан технологик ёндашув асосида ишлаб чиқилган амалий ўргатувчи электрон дастурларнинг “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фанини ўқитишида пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича самарали эканлигини аниқланди. Хулосанинг қай даражада асосли эканлигини тажриба гурухлари талабалари томонидан қайд этилган кўрсаткичлардан ҳам англаш мумкин. Қуйидаги тажриба боши ва якунида назорат ва тажриба гурухлари респондент-талабаларининг “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фани бўйича ўзлаштирган назарий ва амалий билимларининг динамик ўзгариши тўғрисида сўз юритилади [4,5].

Тажриба синов ишларида респондент-талабаларда “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фани амалий машғулотларида техника фанларини ўқитиши бўйича касбий тайёргарликни пахта - тўқимачилик кластерлари асосида инновацион ривожланганлик даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардир:

1. Техника фанларини ўқитиши бўйича касбий тайёргарликни пахта- тўқимачилик кластерлари асосида инновацион ривожлантириш компонентлари бўйича назарий билимларнинг ўзлаштирилганлиги.
2. Фан бўйича назарий билимларни ўзлаштиришда пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича малакасига эгалик.
3. Пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича инновацион технологияларидан техника фанларига оид мутахассислик билимларга таълуқли машқларни бажара олиш малакаларининг ўзлаштирилганлиги.
4. Пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга татбиқ эта олиш малакасига эгалик.

Таъкидланган мезон ва кўрсаткичлар асосида “Табиий толани дастлабки ишлаш технологияси” йўналиши талабаларининг техника фанларини ўқитиши бўйича касбий тайёргарликни пахта - тўқимачилик кластерлари асосида инновацион ривожланганлиги даражалари тавсифланган: юқори, ўрта, қуйи.

1. Юқори даража – “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фани доирасида пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш

бўйича пухта ўзлаштирилган; фан бўйича назарий билимларни ўзлаштиришда инновацион технологиялар хизматидан фойдалана олиш малакаси яққол намоён этилади; “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фани бўйича пахтани куритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш мухитида амалий машқларни етарлича бажара олади; фан бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга татбиқ эта олиш малакаси намоён бўлади.

2. Ўрта даража - Фан доирасида техника таълим йўналишлари таркибий қисмлари бўйича назарий билимлар муайян даражада ўзлаштирилган; пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича назарий билимларни ўзлаштиришда инновацион технологиялари хизматидан фойдалана олиш малакаси қисман намоён бўлади; Инновацион технологиялари ёрдамида амалий машқларни “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича машғулотларида маълум даражада бажаради ва ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллаш малакаси қисман намоён бўлади.

3. Паст даража – “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фани бўйича назарий билимлар мутлақо ўзлаштирилган; пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича назарий билимларни ўзлаштиришда инновацион технологиялар хизматидан фойдалана олиш ва ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга татбиқ эта олиш малакаси намоён бўлади; “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фани бўйича инновацион технологияларида амалий машқларни бажара олмайди.

Асословчи тажриба даврида талабаларнинг “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фанида паҳта тўқимачилиги кластери асосида мутахассислик билимларини шакллантиришда инновацион технологиянинг ажralамас қисми LMS таълимни бошқариш тизими ёрдамида ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг эътиборларига тест топшириғи ҳавола қилинганда, улар томонидан қайд этилган жавоб кўрсаткичларига кўра ҳар икки гурухда деярли бир ҳолат кузатилди:

**1-жадвал. Респондент-талабаларнинг техника фанларини ўқитиш бўйича касбий тайёргарликни паҳта - тўқимачилик кластерлари асосида инновацион ривожлантириш бўйича ўзлаштирган назарий билимлари даражаси (асословчи тажриба)**

| Гурухлар | Талабалар сони | Кўрсаткичлар даражаси |      |      |
|----------|----------------|-----------------------|------|------|
|          |                | Юқори                 | Ўрта | Паст |
| Тажриба  | 360            | 80                    | 138  | 142  |
| Назорат  | 360            | 85                    | 136  | 139  |

Маълумки, шахс томонидан ўзлаштирилган назарий билимларнинг самараси уларни амалиётга бевосита татбиқ эта олишда кўринади. Шу сабабли тажриба-синов ишлари даврида респондент-талабаларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришда кўлланилган мавжуд амалий билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай имкониятлари ўрганилди. Ана шу мақсадда талабаларга қуидаги амалий топшириқлар берилди:

1. Техника фанларини ўқитиш бўйича касбий тайёргарликни пахта - тўқимачилик кластерлари асосида инновацион ривожлантиришда пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича тушунчаларни айтинг?
2. Пахта-тўқимачилик кластерлари асосида инновацион ривожлантиришнинг ишлаб чиқаришдаги пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича аҳамиятини тушунтириб беринг?
3. Техника фанларини ўқитиш бўйича касбий тайёргарликни пахта - тўқимачилик кластерлари асосида инновацион ривожлантиришда пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича мутахассисда қандай касбий компетенцияларга эга бўлади?
4. Пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича касбий тайёргарликни пахта-тўқимачилик кластерлари асосида инновацион ривожлантиришнинг таълим самарадорлигига ўрни қандай?


Мазкур топшириқлар респондент-талабалар томонидан бажарилганда тажриба ва назорат гурухларида у қадар сезиларли фарқлар кўзга ташланмади. Буни қуидаги жадвал кўрсаткичларидан ҳам англаш мумкин (2-жадвал):

## **2-жадвал. Респондент-талабаларнинг «Техника « фанлари бўйича ўзлаштирган амалий малакалари даражаси (асословчи тажриба)**

| Гурухлар | Талабалар сони | Кўрсаткичлар даражаси |      |      |
|----------|----------------|-----------------------|------|------|
|          |                | Юқори                 | Ўрта | Паст |
| Тажриба  | 360            | 71                    | 145  | 144  |
| Назорат  | 360            | 73                    | 142  | 145  |

Ҳар икки жадвалларнинг кўрсаткичлари ҳам тажрибадан сўнг тажриба гурухларида ҳолатнинг ўзгарганлигини, назорат гурухларида эса ўзгаришсиз қолганлиги ифодалайди. 3-жадвал кўрсаткичларига мувофиқ ҳосил қилинган қуидаги диаграмма тажриба ва назорат гурухлари респондент-талабаларнинг касбий тайёргарликларини шакллантиришда инновацион технологиялари ёрдамида ўзлаштириш малакаларига эгаликларини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзаро солиштиришга имкон яратади (1-диаграмма).

**Тажриба ва назорат гурухлари респондент-талабалари  
кўрсаткичларини диаграммада ифодаланиши**



**1-диаграмма. Респондент-талабаларнинг “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” фанида касбий тайёргарликни шакллантириш бўйича ўзлаштирган малака кўрсаткичлари.**

Диаграмма кўрсаткичлари талабаларнинг инновацион технология ёрдамида касбий тайёргарлигини шакллантиришда назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш даражаси қониқарли эмаслигидан далолат беради. Бу каби салбий ҳолатга бархам бериш ва талабаларда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида касбий билимларни ўзлаштиришларига имконият яратиш мақсадида шакллантирувчи тажриба даврида махсус методика бевосита амалиётда синовдан ўтказилди [1].

Тажриба гурухларида махсус методика қўлланилган бўлса, назорат гурухларида амалдаги дастур ёрдамида машғулотлар олиб борилди. Методиканинг самарадорлик даражаси таъкидловчи тажриба даврида ҳар икки гурух талабалари томонидан қайд этилган кўрсаткичларни ўзаро қиёсий ўрганиш орқали баҳолаш тўғри деб топилди. Шу мақсадда аслословчи тажриба чоғида бўлгани каби респондент-талабалар ўртасида тест ва амалий топшириқлар қайта бажарилди. Натижада қуйидаги кўрсаткичлар қўлга киритилди (3 ва 4-жадвал):

**3-жадвал. Респондент-талабаларнинг пахта тўқимачилиги кластери асосида касбий тайёргарлигини шакллантиришда ўзлаштирган назарий билимлари даражаси (таъкидловчи тажриба)**

| Гурухлар | Талабалар сони | Кўрсаткичлар даражаси |      |      |
|----------|----------------|-----------------------|------|------|
|          |                | Юқори                 | Ўрта | Паст |
| Тажриба  | 360            | 95                    | 145  | 120  |
| Назорат  | 360            | 85                    | 120  | 155  |

**4-жадвал. Респондент-талабаларнинг пахта тўқимачилиги кластери асосида  
касбий тайёргарлигини шакллантиришда ўзлаштирган амалий малакалари  
даражаси (таъкидловчи тажриба)**

| Гурухлар | Талабалар<br>Сони | Кўрсаткичлар даражаси |      |      |
|----------|-------------------|-----------------------|------|------|
|          |                   | Юқори                 | Ўрта | Паст |
| Тажриба  | 360               | 84                    | 181  | 95   |
| Назорат  | 360               | 72                    | 171  | 117  |

Тажриба боши ва якунида қўлга киритилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқни яққол ифодалаш мақсадида қуидаги жадвал шакллантирилди:

**5-жадвал. Респондент-талабаларнинг пахта тўқимачилиги кластери асосида  
касбий тайёргарлигини шакллантиришда ўзлаштирган назарий билим ва амалий  
малакаларининг динамик ўсиши (асословчи ва таъкидловчи тажрибалар)**

| Гурухлар,<br>даражалар,<br>Босқичлар | Тажриба-синов гурухлари<br>$n_2 = 360$ нафар |      |      | Назорат гурухлари<br>$n_1 = 360$ нафар |      |      |
|--------------------------------------|--|------|------|--|------|------|
|                                      | Юқори  | Ўрта | Паст | Юқори                                  | Ўрта | Паст |
| <b>Назарий билимлар даражаси</b>     |  |      |      |  |      |      |
| Асословчи<br>тажриба                 | 90   | 138  | 132  | 80                                     | 146  | 134  |
| Таъкидловч<br>и тажриба              | 95   | 145  | 120  | 85                                     | 120  | 155  |
| <b>Амалий малакалар даражаси</b>     |  |      |      |  |      |      |
| Асословчи<br>тажриба                 | 85   | 145  | 130  | 73                                     | 142  | 145  |
| Таъкидловч<br>и тажриба              | 84   | 181  | 95   | 72                                     | 171  | 117  |


Тажриба-синов ишларига жалб этилган респондент-талабаларнинг касбий тайёргарлигини шаклланганлик даражаси жадвал кўрсаткичлари математик-статистик методи ёрдамида таҳлил қилинди. Статистик таҳлил учун Стыюдент-Фишер критерияси танланди. Методика самарадорлигини объектив баҳолаш учун таъкидловчи тажриба натижаларини ифодаловчи сон кўрсаткичларини математик-статистик метод бўйича таҳлил этиш тўғри деб топилди. Стыюдент-Фишер критерияси ғоясига таянган ҳолда асосий формулага солиш учун респондент-талабаларнинг даврида қайд этилган бошланғич касбий тайёргарлик даражасини ифодаловчи малака (5-жадвал) кўрсаткичлари қабул қилинди.

Стьюент-Фишер критерияси моҳиятига кўра тажриба ва назорат гурухларида қайд этилган натижалар тегишли равишда 1 ва 2 танланмалар дея қабул қилинади. Ҳар икки танланма кўрсаткичларига мувофиқ вариацион қаторлар ҳосил қилинади (6-жадвал):

#### 6-жадвал. Танланмаларнинг даражаси кўрсаткичлари (таъкидловчи тажриба)

| Гурухлар       | Танланмалар      | Респондентлар сони | Даражаси кўрсаткичлари |      |      |
|----------------|------------------|--------------------|------------------------|------|------|
|                |                  |                    | Юқори                  | Ўрта | Паст |
| Тажриба гурухи | 1-танланма $X_i$ | $n_1 = 360$        | 90                     | 163  | 107  |
| Назорат гурухи | 2-танланма $Y_j$ | $n = 360$          | 78                     | 145  | 137  |

Навбатдаги босқичда мазкур танланмаларга мос келувчи 2-диаграммани шакллантирилади:



**2-диаграмма. Респондент-талабаларнинг пахта тўқимачилиги кластери асосида касбий тайёргарлигини шакллантиришда ўзлаштирган малака кўрсаткичлари (шакллантирувчи тажриба).**

Диаграмма графиклари тажриба ва назорат гурухлари учун танланмаларнинг модал қийматлари математик нуқтаи назардан тегишли равишда  $M_t > M_n$  ва  $X > Y$  бўлиши талаб этилади. Яъни, тажриба ва назорат гурухларида қўлга киритилган натижалар бир-бираидан сезиларли равишда фарқ қилиши, тажриба гурухларида муқобил гурухларга нисбатан юқори натижалар қайд этилган бўлиши лозим. Ҳар икки гурух кўрсаткичлари куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{360} (90 \cdot 5 + 163 \cdot 4 + 107 \cdot 3) = \frac{1}{360} (450 + 652 + 321) = \frac{1423}{360} = 4$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{360} (78 \cdot 5 + 145 \cdot 4 + 137 \cdot 3) = \frac{1}{360} (390 + 580 + 411) = \frac{1381}{360} = 3,8$$

Демак, тажриба гурухларида респондент-талабаларнинг касбий тайёргарлик бўйича амалий малакалари даражаси назорат гурухларига нисбатан юқори, яъни  $X > Y$  га тенг экан.

Танланган метод ғоясига қўра тажриба ва назорат гурухларида қўрсаткичлар  $X > Y$  га тенг бўлса, у ҳолда олиб борилган тажриба-синов ишлари самарали якунланган ҳисобланади. Натижаларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш учун тажриба ва назорат гурухлари учун тарқоқлик коэффициентларини топиш талаб этилади. Бунинг учун, аввало, танланма дисперциялари аниқлаб олинади:

$$D_m = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (x_i - \bar{x})^2 / (n-1) = \frac{90 \cdot (5-4)^2 + 163 \cdot (4-4)^2 + 107 \cdot (3-4,3)^2}{360} = \\ = \frac{90 \cdot 1 + 163 \cdot 0 + 107 \cdot 1}{360} = \frac{90 + 0 + 107}{360} = \frac{197}{360} \approx 0,54$$

$$D_h = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (y_i - \bar{y})^2 / (n-1) = \frac{78 \cdot (5-3,8)^2 + 145 \cdot (4-3,8)^2 + 137 \cdot (3-3,8)^2}{360} = \\ = \frac{78 \cdot 1,44 + 145 \cdot 0,04 + 137 \cdot 0,64}{360} = \frac{12,32 + 5,8 + 87,68}{360} = \frac{105,8}{360} \approx 0,29$$

Ҳосил бўлган қийматлар ўртача квадрат четланишларни топишга ёрдам беради:

$$\tau_m = \sqrt{0,54} \approx 0,73 \quad \tau_h = \sqrt{0,29} \approx 0,53$$

Ўртача квадрат четланишларнинг қийматлари асосида эса тажриба ва назорат гурухлари учун вариация қўрсатгичлари аниқланди:

$$\delta_m = \frac{\tau_m}{\bar{X}} = \frac{0,63}{4} \approx 0,16 \quad \delta_h = \frac{\tau_h}{\bar{Y}} = \frac{0,53}{3,8} \approx 0,14$$

Агар статистик ҳолатнинг қийматдорлик даражасини  $\alpha=0,05$  деб қабул қилинса, у ҳолда Лаплас функцияси жадвали бўйича статистик таҳлил учун критик нуқта ( $t_{kp}$ ) аниқланиши лозим. Критик нуқта ( $t_{kp}$ ) 1,67 га тенг бўлиб, у

$$\Phi(t_{kp}) = \frac{1-2\alpha}{2} = \frac{1-2 \cdot 0,05}{2} = \frac{0,9}{2} = 0,45$$

тенглиқдан аниқланади. Критик нуқтанинг қийматига таянган ҳолда тажриба-синов ишлари натижаларини баҳолашнинг ишончли четланишлари топилади. Ана шу мақсадга хизмат қилувчи формула ёрдамида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилганда ҳар икки гурухда қуйидаги қийматларга эга бўлинди:

Тажриба гурухларида

$$\Delta_m = t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,16}{\sqrt{360}} = 1,67 \cdot \frac{0,16}{19} = \frac{0,2672}{19} \approx 0,01$$

Назорат гурухларида

$$\Delta_h = t_\gamma \cdot \frac{D_h}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,14}{\sqrt{360}} = 1,67 \cdot \frac{0,14}{19} = \frac{0,2338}{14} \approx 0,02$$

Кўлга киритилган қийматлар ёрдамида тажриба ва назорат гурухлари учун ишончли интерваллар топилди. Тажриба гурухлари учун ишончли интервал қуидагига тенг:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}}$$


$$4 - 0,01 \leq a_x \leq 4 + 0,01 \quad 3,99 \leq a_x \leq 4,01$$

Умумий ёндашувга кўра назорат гурухлари учун ҳам ишончли интервал топилди:

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3,8 - 0,02 \leq a_y \leq 3,8 + 0,02 \quad 3,78 \leq a_y \leq 3,82$$

Ҳосил бўлган қийматлар қуидаги геометрик тасвирни ифодалашга ёрдам беради:



$x=0,05$  қийматдорлик даражасига кўра ҳосил қилинган геометрик тасвир тажриба гурухларида респондент-талабаларнинг пахта тўқимачилиги кластери асосида касбий тайёргарликни шакллантириш бўйича амалий малакаларга эгаликларини ифодаловчи қўрсаткичлари назорат гурухлари талабаларининг қўрсаткичларига қараганда юқори. Ҳар икки гурух натижаларига мувофиқ ҳосил бўлган оралиқ интерваллар устма-уст тушмайди.

Танланган метод моҳиятига кўра математик-статистик таҳлил якунида тажриба-синов ишларининг сифат қўрсаткичлари топилади:

Бизга маълумки,

$$\bar{X} = 4; \bar{Y} = 3,8; \Delta_m = 0,01; \Delta_h = 0,02 \text{ га тенг.}$$

Бундан сифат қўрсатгичлари:

$$K_{yeb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_h)} = \frac{4 - 0,01}{3,8 + 0,02} = \frac{3,99}{3,78} = 1,05 > 1;$$

$$K_{odd} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_h) = (4 - 0,01) - (3,8 - 0,02) = 3,99 - 3,78 = 0,21 > 0;$$

Ҳосил бўлган кўрсаткичлар тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражасини баҳоловчи мезоннинг бирдан, тажриба гурухлари респондент-талабаларининг пахта тўқимачилиги кластери асосида касбий компетенликни шакллантириш бўйича инновацион малакаларга эгаликлари кўрсаткичларини баҳоловчи мезоннинг нолдан катталигини кўрсатади. Худи мана шу ҳолат тажриба гурухларида қайд этилган натижаларнинг назорат гурухи натижаларидан юқори эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шундай қилиб, олий таълим муассасалари техника таълим йўналишлари талабаларининг касбий компетенликни шакллантиришда пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш жараёнларини операцияларга бўлиб ўргатиш бўйича амалга оширилган тажриба-синов ишлари самарали ташкил этилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Гмурман.В.Е. Теория вероятностей и математическая статистика. –Москва: Высшая школа.- 1999, 367 с.
2. Гордеева Н.А. Диагностическое исследование психологических особенностей воображения у активных студентов. // Ж. Инновации в образовании. –Москва.- 2007.№9 –С 96-98.
3. Наумов В.А. Формирование межотраслевых кластерных образований в промышленности: автореф ... дис. кан. эк. наук. – Москва, 2007. – 22 с.
4. Ходжиев М.Т., Эшназаров Д.А. “Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш асослари” Монография Гулистон 2021 йил.
5. Ходжиев М.Т. Эшназаров Д.А. “Олий таълим муассасалари техника йўналиши бўлажак мутахассисларининг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” Гулистон Давлат Университети ахборотномаси, Гуманитар-ижтимоий фанлар серияси, 2020 №3.